ДЎСТЛИГИМИЗ МАНГУ БАРҚАРОР

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (3076). | Якшанба, 30 май 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР ТАРОНАСИ

Ватандошлигимиз, қондошлигимиз, жондошлигимиз! Тоғлардай юксак, метиндай мустаҳкам дўстлигимиз! Тилларда достон бўлиб, эл-элатларни қойил қолдириб келмоқда совет кишиларининг дўстлиги, меҳрибонлиги, қариндошлиги. Халқларимизнинг бирлиги, биродарлиги кўпларга намуна бўлиб келмоқда. «Дунёда шундай бир куч, шундай бир гўзаллик борки, унга тенг келувчи ҳеч нарса бўлмаса керак. Бу — дўстлик, чин инсоний меҳр! Шу дўстлик, шу меҳр туфайли кўпмиллатли совет халқлари бир-бирлари билан иноқ, аҳил яшайдилар». Бу сўзлар Украина ССР халқ артисти Сергей Козакникидир.

Ўн кун муқаддам Ўзбекистонда бошланган Украина адабиёти ва санъати декадаси ана шу дўстлигимиз, бирлигимиз, иноқлигимизнинг яна бир буюк намойишига, катта байрамига айланди. Декада гўзал Тошкентда, дилларимиз зўр ҳаяжон, мамнунлик, ҳис-туйғуларига тўлиб тошган бир вазиятда бошланди. Серқуёш ўлкамизда қардошларимизнинг дилрабо куйлари, жозибадор қўшиқлари янгради. Украин ёзувчи ва шоирларининг янги битилган насрий ва назмий асарлари завқ-шавқ билан тингланди. Қалбларимиз-қалбларимизга, куйларимиз-куйларимизга туташиб кетди.

Декада иштирокчилари Тошкент саноатчилари, Хоразм пахтакорлари, Фарғона боғбонлари, Бухоро чўпонлари, Самарқанд наққошлари, Аму балиқчилари ҳузурида ва бошқа кўпгина ерларда меҳмон бўлдилар. Улар қаерга бормасин ўзбеклар қучоқ очиб, марҳабо деб, табассум билан, саҳий дастурхонлари билан кутиб олдилар. Машҳур пахтакоримиз Ҳамроқул Турсунқулов айтганидек, ҳар бир ўзбек хонадони: «Бизникига ташриф буюринглар, бошимиз кўкка етади», деб азиз дўстларимизга ўз эшигини очди.

Совет кишиларининг бундай меҳмондўстлигининг, меҳрибонлигининг боиси бор, албатта. Бир-бирларимизга илтифотқорлигимиз, юрак очиқлигимиз азалий тақдиримиз бирлигидан, тархимиз чамбарчаслигидандир. Совет халқлари бир ёқадан бош чиқариб, улуғ Ленин тузган Коммунистик партия раҳбарлигида чоризмни чилпарчин қилди. Табаррук Октябрь революцияси қуёшининг болқиб чиқишига ҳаммамиз ҳам катта ҳисса қўшдик. Қон кечиб, жон фидо қилиб, она-Ватанимизни фашизм вабосидан сақлаб қолдик. Мана энди бир сафда тинчликни ҳимоя қилмоқдамиз, инсониятнинг эзгу орзуси — коммунизмни бунёдга келтирмоқдамиз. Қолаверса ўйимиз бир, тўйимиз бир, орзумиз, ниятларимиз ягона!..

Шу важдандир қирқ тўрт миллионли Украина халқининг севимли вакиллари меҳмон бўлиб келганларида, улар билан дийдор кўришганимизда очиқ дил, даста гул билан уларга пешвоз чиққанлигимиз. Шу важдандир куйларимизнинг, қўшиқларимизнинг мусаффолиги, кулгу хандаларимизнинг жаранглорлиги, осмонимизнинг тиниқлиги ва қалбимизнинг чароғонлиги. Шу важдандир қуда-қудағай бўлиб кетганлигимиз, акасингил тутинганлигимиз. Украиннинг қийналмай «Ассаломуалайкум», ўзбекнинг «Ласково просимо» дейиши ҳам шу важдан. Санаб ниҳоясига етказолмаймиз бир-биримизга парвоналигимизнинг сабабларини.

Украина адабиёти ва санъати декадаси ўн кун давом этди. Бу ўн кун ҳар иккала миллат учун қалб шодлиги, ижодий ҳамкорлик дақиқаларига айланди. Бир-бирларимизнинг тажрибаларимиздан, ютуқларимиздан, маданиятимиздан яна бир карра баҳраманд бўлдик. Буюк намояндаларимиз Шевченко ва Навоий, Франко ва Фурқат, Украинка ва Нодира, Коцюбинский ва Ҳамид Олимжонлар билан гўё қайта юз кўришдик. Шубҳасиз, эртанги ишларимизга бунинг баракали таъсири бўлади.

Декада бошланиши олдидан Львов машинасозлик заводининг токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Владимир Гургаль: «Қадрдон дўстлар, агар сизга украин санъаткорларининг томошалари, бизнинг қўшиқларимиз, шеърларимиз маъқул бўлса, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман» деб ёзган эди ўз мактубида.

Вақти-вақти билан бир-бировимизникига борди-келди қилиш, дийдор кўришиш фойдадан холи эмас. Украин дўстларимизнинг ўзлари айтганидек, декада улар учун бажисоли бир саннов бўлди. Ўн кунликка келтирилган ажойиб опералар, пьесалар, дилрабо куйлар, қўшиқлар, жўшқин шеърлар ва бошқа асарлар ўзбек томошабиларига, китобхонларига жуда маъқул тушди. Украина артистларидан бирининг «Ўзбекларнинг санъаткорлигига офарин!» деганн ҳам бечиз эмас. Санъатга ихлоси баланд, диди юксак ўзбек халқи ўз меҳмонларининг моҳирлигига тан берди, қойил қолди. Энди В. Гургалга жавобан «Ҳа, қадрли ўртоқ, ҳамюртларингизнинг санъати бизга жуда маъқул бўлди. Тасанно!» деймиз.

Айни вақтда украиналиклар ўзбек адабиёти ва санъатининг янги намуналари билан танишдилар. Бир-биримизга ўргатдик, бир-биримиздан ўргандик. Қандай олижаноб, саховатли, мурувватли иш бу!

Украина адабиёти ва санъати декадаси халқларимиз дўстлигининг, маданиятларимиз ҳамкорлигининг ёрқин рамзига айланди. Платон Воронько: «Биз жуда бадавлатмиз. Биз дўстлигимиз билан бадавлатмиз» деб айтди. Ана шу муқаддас дўстлигимиз янада мустаҳкамланаверсин! Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятларимиз ҳамкорлиги яшасин ва яшасин! Улуғ Коммунистик партиямиз раҳнамолигида коммунизм томон бир жон-бир тан бўлиб, шаҳдам қадам ташлаб бораверайлик, зафарлар қучаверайлик!

...Биздар украиналик биродарларимизни кузатар эканмиз, ўзбекларнинг қадимий одатига кўра, қўлимизни кўксимизга қўйиб: «Хуш келибсиз, қадрдон украиналик дўстларимиз! — Ласково просимо, люби украиньски друзи!» деймиз.

Оқ йўл, азиз дўстлар!

Украина адабиёти ва санъатининг Ўзбекистондаги декадаси кеча тантанали равишда якунланди.

ШОНА — МЎЛ ҲОСИЛДАН НИШОНА

Ўғит ерга мадор, ҳосилга барака, дейди миришкор деҳқонларимиз. Ҳақ гап. Ерга меҳр қўйган, ўғитнинг қадрига етган азамат пахтакорларимиз йилдан-йилга «оқ олтин»дан юқори ҳосил олиб келишяпти. Ҳа, гўзага вақт-соатида берилган ҳар бир грамм ўғит кузда чаноқлардаги лўппи-лўппи пахта демакдир. Буни Янгийўлдаги «Москва» колхозининг омилкор деҳқонлари яхши билишади. Хўжаликда гўзаларни озиқлантириш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: колхоз аъзоси У. Йўлчиев ва тракторчи Х. Раҳмонов ўртоқлар СУЗ аппаратига ўғит тўлдирмоқдалар.

В. Баскаков, К. Тошпўлатов фотолари.

СЕРАВЖ ҒЎЗАЛАР

«Коммунист» колхозида меҳнат звено принципи асосида ташкил этилган. Пахтачилик звеноларига механизаторлар раҳбарлик қилишяпти. Шу сабабли ҳам иш баракали бўлмоқда. Техникадан ва ишчи кучларидан яхши фойдаланиёётир.

Звено принципи асосида ишлаётган участкаларда гўзага ишлов бериш соз бўляпти. Буни 6-участкадаги ўртоқ Баҳром Исмонлов бошлиқ звено мисолида ҳам кўриш мумкин. Звено аъзолари 70 гектар майдонга чигит экишган. Улар ҳар бир кундан унумли фойдаланиб ишлов беришни сифатли олиб бормоқдалар. Натижада биринчи ва иккинчи парвариш ҳам эрта тамом бўлди. Сифатли яганадан чиқарилиб озиқлантирилган қирқ гектар ердаги ғўза ёппасига шонага кирди.

Ғўза қатор ораларини ишлашда Зарифа Тожибоева, Назира Саидова, Нафиса Баҳромжоновалар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Уларнинг ишлари яхши баҳолар билан қабул қилиняпти.

Звено аъзолари ер ости сувларидан ҳам моҳирлик билан фойдаланиб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

— Звеномиз аъзолари, — дейди Баҳром ака, — ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳаракат қилишяпти. Биз агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда ишлаб, яқин кунлар ичида ғўзанинг учинчи парваришини ҳам кучайтириб юборамиз.

А. РАИМБОЕВ,
Оржоникидзе райони.

МОҲИР МЕХАНИЗАТОР

Йил бошида комбинатимиз ҳузурида очилган механизаторлар тайёрлаш тўрт ойлик курсини аъло баҳолар билан тамомлаган Салим Ҳусанбоев шу кунларда тажрибали механизаторлардан қолишмай, ажойиб меҳнат қилаётир.

«Пўлат от»и билан кенг пахтазор қўйнида жавлон ураётган бу қалбн олов йигитни биринчи бўлим ишчилари «гагаринчи механизатор» дейдилар. Бу шарафли номга ёш механизатор қандай эришди? Бизнинг Салим Ҳусанбоев шу яқин бир ой ичида неча юзлаб гектар майдонлаги қишлоқ хўжалик экинларига сифатли ишлов берди.

1-бўлимнинг 2-участкасида 300 гектардан ортиқ ер бор. Ҳозирги кунларда механизатор йигит шу ерда меҳнат қилаётир.

М. ҚУРБОНОВ.
(Янгийўлдаги «Халқобод» комбинатида чиқаётган «Халқобод» кўптиражли газетасидан).

ҒАЙРАТЛИ ЙИГИТ

Собир Тошемов Ўрта Чирчиқдаги машъал Охунбобоев номли колхознинг моҳир механизаторларидан бири. У ўн беш йилдирки, турли-туман қишлоқ хўжалик машиналарини моҳирлик билан бошқариб келмоқда. Собир механизатор бўлишни мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ орзу қилган эди. 1950 йилда ўз орзусига эришди. Олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курсини тамомлаб чиқанидан кейин ўз жонажон колхози далаларида фидокорона меҳнат қила бошлади.

Бу йил у ишлаётган звено аъзолари 35 центнерданга ваъда беришган. Бу юксак мажбуриятнинг асосий масъулияти ўз зиммасида эканлигини Собир жуда яхши тушунади. Шу кунларда у сувчилар билан ҳамкорликда иш тутаяпти. Сувдан кейин ер етилдими, дарров культивацияни бошлаб юборади. Сувчилар эса у культивация қилган ерлардаги ғўза сувталаб бўлиши ҳамоно эгатларга сув тарайдилар.

Звено аъзолари иккинчи комплекс парваришни муваффақиятли тугалладилар. Ҳозир ғўза тупларида шоналар кун сайин кўпаймоқда.

Т. ҚУРОЛБОЕВ.

ҚЎШНИЛАР

Ҳалил Набиев билан Вали Илёсовлар комплекс механизациялашган звеноларнинг бошлиқлари. Улар кейинги икки йилдан бери бир-бирлари билан мусобақадош. Қатор ораларига ишлов беришда, ҳосилни йиғиштириб олишда бамаслаҳат иш тутишяпти. Шу сабабли ҳам бу икки звенода мўл ҳосил етиштириляпти. Ўтган йили ҳам якин ёмон бўлмади. Ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтарилиб, мажбурият ошириб бажарилди.

Звено бошлиқлари эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмай, янги марраларни қўлга киритиш учун олга томон интилмоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Ҳозир бу икки звеночинг аъзолари ваъдаларининг устидан чиқиш учун ҳормай-толмай қурашмоқдалар. Улар дала ишларини пухта ташкил қилиб, илғор агротехника фани ютуқларини деҳқончиликка кенг жорий этмоқдалар.

Бу ерда иш социалистик мусобақа асосида ташкил қилинган. Шу сабабли ғўзанинг биринчи комплекс парвариши сифатли тамомланиб, иккинчи парвариш авж олдириб юборилди. Ғўзаларни парвариш қилиш намунали ташкил этилгани учун ғўзалар шоналай бошлади.

Дала айландик. Икки звенода ҳам меҳнат авжида. Ғўзалар гуркираб ўсяпти. Бегона ўт кўринмайди. Биз моҳир пахтакорларнинг меҳнат ғайратларидан хурсанд бўлдик.

С. ВАЛИЕВ.

Чиноз. Карл Маркс номли колхоз.

НАРЯДСИЗ ИШЛАШНИНГ АФЗАЛЛИГИ

1-«Далварзин» совхозида тўла равишда нарядсиз ишлашга ўтилганлиги, 85 та звенонинг ҳаммаси шу усулда ишлаётганлиги ҳақидаги мақолани ўқиб чиқдик. 1-«Далварзин» совхози ишчиларининг бу дадил қадамлари бизни хурсанд қилди.

Нарядсиз ишлайдиган звеноларнинг ҳақида кўп гап эшитганмиз. Лекин уларнинг афзаллиги нимадан иборат эканлиги ҳали кўп хўжаликларда атрофлича синаб кўрилмаган. 1-«Далварзин» совхозида ўтган йили ташкил этилган 27 та нарядсиз звено совхозга 200 минг сўмдан кўпроқ фойда келтира олган экан, бу, ахир катта гап-ку!

Бу йил бизнинг колхоз аъзолари минг гектар ерга чигит экиб, 2700 тонна пахта етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу пахта майдонларида механизаторлар бошлиқ 35 звено ташкил этилган. Булардан Қўшали Баҳромов, Абдуқодир Абдурахмонов, Илёс Рустамов, Холис Муҳтозов ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг эса нарядсиз усулда иш олиб бормоқдалар. Улар 140 гектар ердан 392 тонна ҳосил етиштириш ҳаракатидалар.

Биздаги нарядсиз звеноларнинг қуйидагича ташкил этилди. Ҳар бир звенога 35 гектардан ер, керакли техника ва ишчи кучлари ажратилди. Ишлаб чиқариш-молия плани ва технологик карта тузилди. Бунда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил шароитига қараб 26—28—30 центнердан белгиланди. Умумий даромад ва ҳар хил харажатлар иш турлари бўйича белгилаб чиқилди. Звено бошлиқларига 100 сўмдан, сувчиларга 85 ва бошқа колхозчиларга 70 сўмдан маош тайинланди.

Звено аъзолари умуман эмас, балки белгилаб қўйилган ерда йил давомида ишлайдилар. Шунинг учун ҳар қайси картада ҳар бир кишига маълум майдон ажратиб қўйилган. Улар мана шу ердаги ғўзаларни ўтга бостириб қўймасликлари, кўчатларни тўла сақлаб қолишлари, чеканкани сифатли ўтказишлари, лозим бўлган ҳамма агротехника тадбирларини амалга оширишлари керак.

Нарядсиз ишлаш принципининг муҳим тарбиявий аҳамияти бор. У ҳам бўлса ҳаммани баравар; виждонан ҳалол меҳнат қилишга ўргатади ва рағбатлантиради. Гиромлар ва айёрларнинг сирини очиб ташлайди. Чунки нарядсиз звеноларда «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган принцип туб маъноси билан ўз ифодасини топади. Агар бир киши ўзига биркитилган ерда ёмон ишласа, у ердан кам ҳосил олинса барча звено аъзоларининг моддий манфаатдорлигига путур етади. Яхши ишласа ҳаммага фойда бўлади. Шунинг учун ҳар бир киши ўз шеригини назорат қилиб боради. Нарядсиз звеноларда ҳақ тўлаш тартиби одамни ҳалол ишлашга даъват этади.

Пахтанинг таннархини камайтириш катта аҳамиятга эгадир. Нарядсиз звеноларнинг иш принципари айни шу мақсадга мувофиқ келади. Агар звено аъзолари белгиланган ишлаб чиқариш харажатларини ишнч сифатли бажариш йўли билан иқтисод қилиб қолсалар, ҳосилдорликни оширсалар, етиштирилган пахтанинг таннархи арзон бўлади. Бу эса звено аъзоларига ҳам, колхозга ҳам иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради. Шунинг учун нарядсиз звено аъзолари ғўза қатор ораларидаги ўтни кетмон билан чопиб кетишга эмас, балки илдизи билан суғириб ташлашга ҳаракат қиладилар. Бир қаторда 4—5 марта эмас, 2—3 марта чопиқ ўтказадилар.

Биздаги нарядсиз звено аъзоларининг ишлари айни пайтда жуда яхши бораяпти. Бошқа звеноларда ҳар гектар ерга 120 килограммдан чигит экилган бўлса, бу звеноларда уларга аниқ миқдорда чигит ташлайдиган сеялкалар билан экиб фақат 35 килограммдан чигит сарфланди. Шундай қилиб ҳар бир нарядсиз звено салкам икки ярим тоннадан чигитни тежаб қолди. Бундан ташқари ғўзани ягана қилишга ҳам хожат қолмади. Бу факт ўз навбатида нарядсиз звеноларни техникадан имкони борича тўла фойдаланишга рағбатлантираётганини кўрсатиб турибди.

Колхозимиздаги нарядсиз звеноларнинг ишига машҳур механизатор Валентин Афанасьевич Тюпко бевосита раҳбарлик қиляпти.

Колхозимизда нарядсиз звеноларнинг тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг нақадар афзаллиги, деҳқончиликда яна бир порлоқ саҳифа очилаётганини равшан кўрсатиб турибди. Шу усулни колхозимизда тўла жорий қилиш ниятидамиз.

Нарядсиз ишлашда баъзи тушунмовчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай янгилик бошланганда бундай аҳволнинг бўлиши табиийдир. Нарядсиз ишлашнинг истиқболи порлоқ. Бу етакчи ва деҳқоннинг кўнглидаги усул бўлиб, деҳқончилик ишларимизни муваффақиятли ҳал этишда катта роль ўйнайди.

Абдужаббор ИСРОИЛОВ,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз раиси.

ДЕКАДАНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КУНИ

Украина адабиёти ва санъати Декадасининг тўлқинлантирувчи, унутилмас ўн куни ўтиб кетди. Украина маданияти арбоблари шу кунларда Ўзбекистон меҳнаткашлари билан икки юз мартадан ортиқ мароқли учрашув ўтказдилар. Украин халқининг вакилларини Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар ҳам, Қорақалпоғистон балиқчилари ҳам, республика пахтакорлари ва чорвадорлари ҳам самимий кутиб олдилар. Ҳамма жойда дўстлик байрами, Украина ва Ўзбекистон маданияти байрами машъаллари порлаб турди.

Украин Декадаси Ўзбекистон бўйлаб қилган тантанавор юришини республика пойтахти — Тошкентда тугаллади.

Тошкентдаги муаззам Санъат саройи Декада очилган кунида бўлганидек, 29 май куни ҳам байрам либосини кийган эди. Бу ерда Украина Декадасининг ёпилишига бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Залда Украина ёзувчилари, композиторлари, рассомлари, музикачилари, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари бор эди.

Кечани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов очди.

— Биз,— деди В. Г. Ломоносов,— бугун Ўзбекистонда ўтказилган Украина адабиёти ва санъати Декадасига тантана билан якун ясаш учун, қалбларимизни тўлдириб, бизни ҳаяжонлантираётган меҳр-муҳаббат ва дўстлик туйғуларини қайта-қайта изҳор қилиш учун тўпландик.

В. Г. Ломоносов илҳом ва қувонч бағишловчи ижодлари учун украиналик меҳмонларга самимий ташаккур изҳор қилди. Уларнинг бу ижоди Декада кунларида Ўзбекистондаги барча оддий кишиларнинг мулки бўлиб қолди.

В. Г. Ломоносов сўзининг охирида бундай деди:

— Декаданинг энг ажойиб, энг асосий якуни шундан иборат бўлдики, азиз меҳмонларимиз бизнинг серқуёш юртимизга фақат Украинанинг мисли йўқ гўзал санъатини, жаҳонга машҳур бўлган украин адабиётининг мўъжизакор нафосатини келтирибгина қолмай, шу билан бирга украин халқида ўзбек халқига нисбатан бўлган дўстликнинг жонли, тўлқинлантирувчи нафасини ҳам олиб келдилар.

В. Г. Ломоносов ҳозирги вақтда Индонезияда меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг Украина Декадаси қатнашчиларига юборган телеграммасини ўқиб беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. С. Саҳибсев Украина адабиёти ва санъати Декадасини муваффақиятли ўтказганликлари учун Украинанинг бир қанча ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисида республика Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ҳозир бўлганларнинг гулдирос қарсаклари остида Фахрий ёрлиқларни Украина ижодий союзлари, Киев, Харьков, Одесса, Львов опера ва балет театрлари, И. Франко номидаги Давлат академик драма театри, Закарпатье халқ хори вакилларига топширди ва мукофотланганларни самимий табриклади.

Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишоновга сўз берилади.

— Ўзбекистонда украин адабиёти ва санъати Декадаси бир нурли байрамдек, тўлқинлантирувчи ва унутилмас воқеадек, бирлигимиз, самимий дўстлигимизнинг намойишидек ўтди, — деди у.

Р. Н. Нишонов айтадики, Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳамма жойда Декада қатнашчиларини самимият ва хушнудлик билан кутиб олганликлари фақат меҳмондўстлик ифодаси бўлмай, шу билан бирга Совет халқларининг бузилмас дўстлигини, бу дўстлик ҳар бир совет кишисининг жон-танига сингиб кетганлигини кўрсатувчи ёрқин далил ҳамдир.

— Декаданинг чуқур сиёсий маъноси шундан иборатки, — деди Р. Н. Нишонов, — у, Улуғ Октябрь бизга нақадар чинакам мўъжизакор самаралар келтирганлиги, Совет ҳокимияти йиллари мобайнида бизнинг совет кишиси нақадар камолотга эришиб, унинг маънавий дунёси нақадар бойиб кетганлиги, унинг маданий савияси нақадар юксак поғоналарга кўтарилганлиги, совет кишисининг қардош совет халқлар маданиятига қизиқиши нақадар буюклигини намойиш қилиб кўрсатди.

— Республикамиз меҳнаткашлари номидан қардош Украинанинг ишчилар синфига, колхозчи деҳқонларига, интеллигенциясига бизнинг самимий саломимизни ҳамда коммунистик қурилишда чин юракдан янги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни етказишларингизни сизлардан илтимос қиламиз, азиз ўртоқлар.

Совет халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги мангу яшайверсин!

Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг раиси Комил Яшин Ўзбекистон республикасининг меҳнаткашларига кўрсатган ғўзал улкан санъатлари учун Ўзбекистоннинг ижодий интеллигенцияси номидан Украина вакилларига самимий ташаккур билдирди.

Украина Ёзувчилари союзининг раиси А. Т. Гончар самимий меҳмондўстликлари учун бутун ўзбек халқига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди, ўзбек халқига бахт-саодат, меҳнатда катта муваффақиятлар ва бундан буён ҳам гуллаб яшнашларини тилади.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Д. Скаба Украина Компартияси Марказий Комитети, Украина ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, бутун украин халқи номидан ташаккур изҳор қилди.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларининг бир группаси саҳнага чиқади. Булар орасида Халима Носирова, Сора Эшонтўраева, Искандар Икромов, Латиф Файзиевлар бор эди. Улар билан бирга Украина санъатининг вакиллари ҳам саҳнага чиқадилар.

СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева украиналик азиз меҳмонларнинг Ўзбекистонда бўлиши хотираси учун икки қардош адабиётнинг даҳолари Тарас Шевченко ва Алишер Навоийнинг сурати тасвирланган катта вазани меҳмонларга тортиқ қилади.

СССР халқ артиси Н. М. Ужвий дўстларнинг ана шу совғасини қабул қилиб олиб, қуйидагиларни айтди: Биз бу вазани ўзбек халқининг украин халқига нисбатан изҳор қилган дўстлик ва муҳаббат туйғулари билан бирга Украинага олиб борамиз. Ана шу дўстлик чашмалари Украинанинг ям-яшил далаларига оқсин ва қардош халқларимизнинг дўстлигини абадий мустаҳкамласин!

Тантанали кечанинг охирида катта байрам концерти қўйиб берилди. Бу концертда Украина ва Ўзбекистон санъат усталари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати 29 май кечқурун Украина адабиёти ва санъати Декадаси қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Узбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг бажарилиши тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қайд қиладики, Ўзбекистон ССРнинг 1964 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 1.793.676 минг сўм миқдорида ёки аниқлаб олинган планга нисбатан 103 процент бажарилди.

План даромад манбаларининг кўпчилиги юзасидан ошириб бажарилди. Планнинг оборот солиғи юзасидан бажарилиши 101,8 процентни, фойдалардан ажратиладиган маблағлар юзасидан — 104 процентни, колхозлардан олинадиган даромад солиғи юзасидан — 101,2 процентни, аҳолидан олинадиган даромад солиғи юзасидан 104,1 процентни, қишлоқ хўжалиги солиғи юзасидан 101,3 процентни, СССРдаги бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданлардан олинадиган солиқ юзасидан — 107,6 процентни ташкил этди ва бошқа бир қанча даромад манбалари юзасидан бажарилди. Шу билан бирга планнинг баъзи даромад манбалари юзасидан бажарилиши 1041 минг сўм миқдорида таъмин этилмади.

Корхона ва хўжалик ташкилотларининг хўжалик-молиявий фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги натижасида баъзи министрлик ва идоралар ўтган йили бюджетга фойдалардан ажратиладиган маблағни 4733 минг сўм кам топширди, шу жумладан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ихтисослаштирилган совхозлар, консерва ва вино саноати давлат ишлаб чиқариш комитети бюджетга фойдалардан ажратиладиган маблағни 3120 минг сўм кам топширди.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг кўпгина корхоналари 1964 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планининг ва таннарх юзасидан белгиланган планнинг бажарилишини таъмин этмадилар, 113 та корхона жамғармалар тўплаш юзасидан белгиланган плани бажармади ва 33,4 миллион сўм миқдорида планда кўзда тутилмаган зарарларга йўл қўйди. Халқ хўжалик кенгаши бўйича жамғармалар плани умуман 5,3 миллион сўм кам бажарилди.

Ўзбекистон ССР кишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли совхозлар 1964 йилда планда кўзда тутилганидан 24,4 миллион сўм кам жамғарма бердилар ва бюджет олдида олган мажбуриятларини 3,1 миллион сўм миқдорида бажармадилар.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бинокорлик ташкилотлари 1964 йилда турли хил нобудгарчилик, беунум харажатлар, брак орқасида каттагина миқдорда зарар кўрилишига йўл қўйдилар. Натижада қурилиш министрлиги жамғармалар планини 6,4 миллион сўм ва бюджет олдидаги тўловлар юзасидан олган мажбуриятларини 0,9 миллион сўм кам бажарди.

«Узсадвинконсерв» Давлат комитети кўпгина совхозлар тушум планини ва давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини сотиш планини бажармаганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги йўли билан маблағ жамғариш планини 3 миллион сўм ва саноат йўли билан — 1,1 миллион сўм кам бажарди.

Ўтган йили кўпгина корхона ва хўжалик ташкилотлари фойдалар жамғариш планларини бажармаганликлари, пландан ташқари зарарлар, катта миқдорда беунум харажатлар ва хўжасизлик орқасида ўз оборот маблағларининг 69,9 миллион сўм миқдорида камайиб кетишига йўл қўйдилар.

Ўзбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг ҳаражат қисми 1.722.025 минг сўм ёки аниқлаб олинган планга нисбатан 99 процент, шу жумладан халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш бўйича 99,2 процент, социал-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш бўйича 98,8 процент бажарилди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР 1964 йилги Давлат бюджетининг даромадлар бўйича 1793676 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 1722025 минг сўм миқдорида, даромадлари харажатларидан 71651 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, министрлик ва идораларга ишлаб чиқариш планлари, меҳнат унумдорлиги, таннархни камайтириш, жамғармалар тўплаш юзасидан белгиланган планларнинг ҳар бир корхона томонидан бажарилишига, ўз итоатларидаги корхона ва хўжалик ташкилотларида пландан ташқари зарарлар ва беунум харажатларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш вазифаси топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, министрлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

— белгилаб қўйилган норматив лар моддий ва молиявий бойликлардан энг унумли ва самарали фойдаланишга, оборот маблағларининг айланишини тезлаштиришга ёрдам бериши кераклигини назарда тутиб, корхона ва хўжалик ташкилотлари бўйича уларнинг ўз оборот маблағлари нормативларини тўғри белгилашлари устидан мунтазам контролни амалга ошириш;

— фойдалардан ажратиладиган маблағлар юзасидан жамғармалар тўплаш ва бюджетга тўловлар планининг ҳар бир корхона томонидан қандай бажарилаётганлиги, шунингдек ўз итоатларидаги корхона ва ташкилотларда ўз оборот маблағларининг қандай аҳволда эканлиги тўғрисидаги масалани ҳар квартал сайин қараб чиқиш ва ўз оборот маблағлари камомати вужудга келган тақдирда йўл қўйилган камоматнинг ўрнини хўжаликнинг ички ресурслари ҳисобига тўлдириш чораларини кўриш;

— ўрнатилмаган ускуналар ва бошқа оборот активларининг нормативдан ташқари қолдиқларини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг, шунингдек капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш учун ўз маблағларини топшириш планининг 1965 йилда бажарилишини таъминлаш;

— давлат маблағларини сарфлашда қўшимча даромадлар ва уларни тежаб қолиш имкониятларини аниқлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

— корхона ва хўжалик ташкилотларининг молиявий фаолияти устидан контролни кучайтириш.

4. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлашга ажратилган бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш, мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари ва бошқа муассасаларнинг шохобчаларини кенгайтириш планининг бажарилиши устидан мунтазам контроль ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига қуйидаги вазифалар топширилсин:

— бюджет даромад қисми планининг ҳар бир манба юзасидан ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг барча ижроия комитетлари томонидан бажарилиши устидан контролни амалга ошириш;

— давлат маблағларини тўғри ва тежаб-тергаб сарфлашга алоҳида эътибор бериш;

— бюджетнинг бажарилиши масалаларини ўз мажлисларида мунтазам муҳокама қилиб туриш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 50 ва 51-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-МОДДА. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги тузиш тўғрисида»ги 1964 йил 30 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигини Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги қилиб қайта тузиш тўғрисида»ги 1965 йил 4 март Фармони;

«Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлиги тузиш тўғрисида»ги 1965 йил 11 март Фармони.

2-МОДДА. Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 50 ва 51-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

а) 50-моддадаги «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги министрлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) 51-моддага тегишли қўшимча киритилиб, бу модда қуйидагича баён қилинсин:

«51-модда. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги министрликлари республика министрликларидир:

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги;
Коммунал хўжалик министрлиги;
Жамоат тартибини сақлаш министрлиги;
Маориф министрлиги;
Социал-таъминот министрлиги;
Қурилиш министрлиги;
Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министрлиги».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 46, 47 ва 55-а моддаларига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 46, 47 ва 55-а моддаларига қуйидагича қисман ўзгартишлар киритилсин деб **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Конституцияси 46-моддасининг «а» ва «е» бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) Ўзбекистон ССР министрликларининг ҳамда ўз қарамоғидаги бошқа муассасаларнинг ишларини бирлаштиради ва йўлга солиб туради, Ўзбекистон ССР иқтисодий маъмурий районининг Халқ хўжалиги кенгашига бевосита раҳбарлик қилади, умумиттифоқ министрликлари вакилларининг ишларини бирлаштиради ва текширади»;

«е) Ўзбекистон ССР иқтисодий-маъмурий районининг Халқ хўжалиги кенгашини ва заруб бўлган тақдирда, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хўжалик ва маданий қурилиш ишлари юзасидан махсус Комитетлар ва Бош Идоралар тузади».

2. 47-моддаНинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР иқтисодий-маъмурий районлари Халқ хўжалиги кенгашларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР иқтисодий-маъмурий райони Халқ хўжалиги кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 55-а моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: «55-а модда. Ўзбекистон ССР Иқтисодий маъмурий райони халқ хўжалиги кенгаши ўз қарамоғига топширилган тармоқларнинг хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига бевосита итоат қилади.

Ўзбекистон ССР Иқтисодий маъмурий райони халқ хўжалиги кенгаши СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари, СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарор ҳамда фармойишлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ўз ваколати доирасида қарор ва фармойишлар чиқаради».

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг гражданларнинг шахсий мулкидаги чорва моллари нормалари тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг шахсий мулкидаги чорва моллари нормалари тўғрисида» 1965 йил 7 январда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССРнинг қуйидаги қонунлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида яшовчи гражданларнинг шахсий мулкида бўлган чорва моллар боқишни тақиқлаш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги 1961 йил 26 декабрь Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1961 йил, сон-36);

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида яшовчи гражданларнинг шахсий мулкида бўлган чорва моллари боқишни тақиқлаш тўғрисида»ги 1959 йил 14 август Фармонига қўшимча киритиш ҳақида» чиқарган Фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1962 йил 22 декабрь Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1962 йил, сон-36);

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Чорва моллари эга бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган гражданлар ва шахсий бойиш мақсадида чорва моллари боқувчи гражданлардан олинадиган пул солиғи тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги 1962 йил 22 декабрь Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1962 йил, сон-36);

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Чорва моллари эга бўлиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган гражданлар ва шахсий бойиш мақсадида чорва моллари боқувчи гражданлардан олинадиган пул солиғи тўғрисида»ги 1962 йил 3 ноябрь Фармонини тўлдириш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чиқарган Фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1963 йил 28 декабрь Қонуни (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1963 йил, сон-36).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ва жамоат мулкини ўғирлаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 1965 йил 16 февралда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1965 йил 5 мартда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР адвокатураси тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1965 йил 31 март Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чиқарган Фармонни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Майда спекуляция учун жавобгарлик тўғрисида»ги 1957 йил 11 декабрь Фармонини тўлдириш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1965 йил 12 апрелда чиқарган Фармон тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўртоқ Г. А. Габриельянцни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўртоқ Гайк Аветисович **Габриельянцни** Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1965 йил 24 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Узбекистон ССР министрларини тайинлаш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин деб **қарор қилади:**

Ўртоқ Суннат Иброҳимович **Иброҳимовни** Узбекистон ССР қурилиш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1964 йил 31 декабрь Фармони;

Ўртоқ Нормаҳонмади Жўраевич **Худойбердиевни** Узбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1965 йил 4 март Фармони;

Ўртоқ Муҳиддин Йўлдошевич **Қурбоновни** Узбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари ва аралаш озуқа саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1965 йил 9 апрель Фармони;

Узбекистон ССР Госплани Раисининг биринчи ўринбосари Ўртоқ Владимир Николаевич **Куликовни** Ўзбекистон ССР Министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1965 йил 4 май Фармони;

Узбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Акром Рустамович **Хўжаевни** Ўзбекистон ССР министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1965 йил 20 май Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Узбекистон ССР составида янги районлар тузиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Узбекистон ССР составида янги районлар тузиш тўғрисида» 1964 йил 31 декабрда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ С. Х. Пўлатхўжаевни Ўзбекистон ССР Олий суди Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлаш тўғрисида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Саъдулла Хўжаевич **Пўлатхўжаев** Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

М. Аҳмаджонов, С. Э. Ботиралиев, М. Маҳмудов, М. Қ. Мирзаолимов, Н. Раҳматуллаев ва Р. Юсупов ўртоқларни Узбекистон ССР Олий судининг аъзолари қилиб сайлаш тўғрисида

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Маҳмуд **Аҳмаджонов**, Сотволди Эшматович **Ботиралиев**, Музаффар **Маҳмудов**, Мухтор Қодирович **Мирзаолимов**, Неъмат **Раҳматуллаев** ва Рауфжон **Юсупов** ўртоқлар Узбекистон ССР Олий судининг аъзолари қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил 28 май.

„МОЛНИЯ-1“ ОЛИБ КЎРСАТМОҚДА

МОСКВА, 27 май. (ТАСС мухбири **Д. Дмитриев**). Бугун «Молния-1» совет алоқа йўлдоши орқали узлуксиз олиб кўрсатилган рангли телепрограммалар саккиз соатдан ортиқ (Москва вақти билан соат 3 дан 12-20 минутгача) давом этди. Эшиттиришни Москва телемарказининг рангли телевидение тажриба станцияси олиб борди. Йўлдошга ўрнатилган системалар ретрансляция қилди, шундан кейин эса, Москвадан бир ярим минг километр наридаги қабул пункти орқали Европадаги радиореле линиялари бўйлаб орқага қайтиб келди. Бунда «Космоса ташланган радиосиртмоқ» узунлиги 80.000 километрдан ошиқ бўлди.

Совет журналистлари ҳозир бўлган охирги сеансда рангли телевидениенинг турли системаларидан: Американинг НТСИ, Франциянинг СЕКАМ системасидан ҳамда совет олимлари ва инженерлари ишлаб чиққан системадан фойдаланган ҳолда, рангли тасвирларни (диапозитивлар ва киноленталарни) кўрсатиш намойиш қилинди.

Совет Иттифоқида «Молния-1» йўлдоши рангли космовидениенинг синов тариқасидаги сеансларини ўтказиш ўтган ҳафта охирида бошланган эди. Шу сеансларнинг биринчи серияси 27 майдаги эксперимент билан муваффақиятли равишда тугалланди. Телеэшиттиришлар сифати доимо яхши бўлди. Йўлдошга ўрнатилган системалар ва Ердаги алоқа комплексларининг аппаратлари нормал ишлаб турди.

«Молния-1» космик алоқа йўлдошидан фойдаланилганлиги Совет телевиденнесини ривожлантиришда муҳим босқич бошлаб берди, деди ТАСС мухбирига «Молния-1» орқали рангли телевидение эшиттиришларини олиб бориш соҳасидаги экспериментлар раҳбари профессор А. Д. Фортушенко. Рангли телевидение-радио-эшиттириш н и н г энг мураккаб ва тўсқинликларга энг сезгир бўлган туридир, чунки рангли тасвирни айни бир вақтнинг ўзида овоз билан қўшиб олиб бориш радио каналларининг сифатига нисбатан роят катта талаблар қўяди.

Бизнинг экспериментларимиз «Молния-1» йўлдошига ўрнатилган системалар учун ҳам, Ердаги алоқа комплекслари ва линиялари учун ҳам жиддий имтиҳондир.

Рангли телевидениенинг турли системаларига баҳо беришга келганда, шуни айтиш керакки, бизнинг фикримизча, француз инженерлари таклиф қилаётган (СЕКАМ) қабилидаги рангли телевидение системаси узоқ масофаларда эшиттириш олиб бориш шароитида энг мақбул системадир. Совет мутахассислари ҳам ўз Ватанимизда рангли телевидение системасини яратиш соҳасида муваффақиятли эксперименталр ўтказишмоқда.

Ҳозирнинг ўзидаёқ шу нарса равшан кўриниб турибдики, деди А. Д. Фортушенко, вақт-соати келиб ҳар қандай масофада рангли телевидение программаларини мунтазам равишда сифатли қилиб кўрсатишни йўлга қўйишга муваффақ бўлинади. «Молния-1» билан ўтказилган эксперименталр ҳозирдаёқ лаборатория остонасидан ҳатлаб ўтди.

МЕҲРИГИЁ

— Ёмғир билан ер кўкарар, м е ҳ н а т билан эл, — дея гап бошлади турли миллат болаларини худди ўз жигаргўшасидай қаноти остига олган ғамхўр, жафокаш нуроний отахон Шоаҳмад ота Шомаҳмудов. Тошкент Давлат университети филология факультетининг кенг залига йиғилган студентларнинг бутун вужуди қулоқ бўлиб, нигоҳи отанинг оғзига қадалган. Ота фарзандларини қандай қилиб олгани ва уларнинг вояга етказгани тўғрисида тўлибтошиб сўзлаб берди.

Урушнинг шундай оғир машъум жанг-жадал кунларида улар неча-неча етим-есирларнинг бошини силаб, оқ ювиб, оқ тараб бутун дунёга ўзининг олижаноб ҳислатлари билан танилдилар, минглаб кишиларнинг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлдилар. Ўн олти ўғил-қизнинг ҳаммаси ҳаётнинг кенг йўлига тушиб олди.

Учрашувда тарих фанлари кандидати, доцент Қодир Фозилхўжаев ҳам қатнашди. У халқлар дўстлиги ҳақида ҳаяжон билан гапирди. Университетнинг тилшунос ўқитувчиси доцент Ф. Убаева меҳмонларга совға топширди ҳамда студентлардан Х. Шарофхўжаева билан Ф. Усмановалар сўзга чиқиб, меҳрибон ота ва Қодир акани самимий қутладилар. Мароқли ўтган учрашув студентларда катта таассурот қолдирди.

Д. ХУЖАЕВА.

Самимий учрашувлар

СОФИЯ, 29 май. (ТАСС). БТА агентлиги хабар беради: КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигида Болгарияда меҳмон бўлиб турган КПСС делегацияси ва делегацияга ҳамроҳ бўлиб юрган Болгария партия раҳбарлари бугун Бургас шаҳрига келдилар.

Болгария коммунистик партияси Бургас округ комитетининг бюроси билан ўтказилган учрашувда совет-партия арбоблари округда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва маданий турмушнинг ривожланиши билан ҳамда ғоявий-сиёсий ишнинг баъзи масалалари билан танишдилар. Меҳмонлар партиявий иш формаларига ҳамда саноат корхоналарини ва кооператив меҳнат деҳқончилик хўжаликларини ташкил этиш масалаларига қизиқиш билан қарадилар.

Шундан сўнг совет меҳмонлари Бургас яқинидаги нефтьхимия комбинатига ва ўтган йили мамлакатда энг яхши деб танилган Христо Ботев номли Бургас кооператив меҳнат деҳқончилик хўжалигига бордилар. М. А. Суслов кооператорларни табриклаб, сизларнинг эришган муваффақиятларингиз ишни яхши ташкил этаётганлигингизнинг ва Болгария коммунистик партияси Марказий Комитети кишлоқ хўжалиги соҳасида тўғри сиёсат юргизаётганлигининг натижасидир, деди.

Тушдан кейин меҳмонлар Қора денгиз бўйидаги серқуёш сохил деган курортлар комплексини кўздан кечирдилар.

СОФИЯ, 29 май. (ТАСС). БТА агентлиги хабар беради: кеча Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Боян Билгаранов мамлакатда меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари Малик Абдураззоков бошлиқ Тошкент области делегациясини қабул қилди.

Меҳмонлар мамлакат бўйлаб килган сафарлари, Хасково округи партия комитетлари ва ташкилотлари билан учрашувлари ҳақидаги таассуротларини сўзлаб бердилар ҳамда ўзларига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккур билдирдилар.

ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ УКРАИНА!

УКРАИНА ШАҲАРЛАРИ КУНИ

КИЕВ

Соат еттига яқинлашмоқда. Боғ фойеси тўй бўлаётган хонадон эшигини эслатади. Чилонзор район жамоатчилиги вакиллари, сайр қилувчилар бугунги азиз меҳмонларимиз—украиналик қардошларни зориқиб кутишяпти. Автобус келиб тўхтади. Ана улар тушиб келишяпти. Мезбонлар илиқ табассум ила меҳмонларни нон ва туз билан қарши оладилар. Сайр қилувчилар дўстлик гулдасталарини тақдим этишади қардошларимизга.

Ҳамма катерга тушади. Мовий кўл тўлқинлари қирғоқ ўпади. Дарахтлар акси тушиб турган зилол сув бўйлаб сайр бошланади. Боғ директори Раҳим Тешабоев меҳмонларни ўз хўжалиги билан таништиради ва уларга янгиликлардан сўзлаб беради.

Театр фойесига «Бугунги Киев» деб ёзилган катта стенд ўрнатилган. Мана, қаҳрамон шаҳарнинг Калинин ва Шевченко майдонлари. Урушдан кейин бу жойлар тамоман қайтадан олам юзини кўрди. Кўп қаватли шинам турар-жойлар, ям-яшил хиёбонлар пайдо бўлди. Иккинчи расм В. И. Ленин номли «Арсенал» заводидан олинган. Меҳнат ветеранлари, кекса пенсионерлар Николай Максимович Животенко ва Василий Александрович Баскаков ўртоқлар ўз қадрдон корхоналарига меҳмон бўлиб келишган. Ёш ишчилар ўз устозлари атрофида парвона. Боболар суҳбатини мароқ билан тинглашаяпти.

Китоб виставкаси ғазалхон ва адабиёт мухлисларини ўз бағрига олган. Т. Г. Шевченкоининг украин, рус ва ўзбек тилларида нашр этилган асарлари, А. Е. Корнейчук драмалари, В. Собко пьесалари, Л. Забашта лирикаларининг бозори чаққон. Китоб шинавандалари сотувчини шошириб қўйишяпти бу ерда.

Сайрибоғ оқшом қўйнида. Сайр қилувчилар оқими ёзги театр залига томон қуйилиб кела бошлайди. Бу ерда «Киев куни»га бағишланган тантанали кеча ўтказилди. Чилонзор район партия комитетининг секретари ўртоқ Б. Прокопов тошкентликлар номидан киевлик меҳмонларни қизғин табриклайди.

— Дўстлигимиз илдизи жуда чуқур. Ўзбекистонда республикангиз адабиёти ва санъати декадасининг ўтказилиши қардошлик ипларини яна ҳам чамбарчас боғлайди, — деди 153-қурилиш трести коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Виктор Лапатов.

Киевлик меҳмонлар номидан ёзувчи В. Казначенко, Т. Г. Шевченко номидаги опера ва балет театри солисти Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Сухорукова ўртоқлар кўрсатилаётган эъзозлар учун мезбонларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирдилар.

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Киев куни» байрами шундай тантанлар билан нишонланди.

ХАРЬКОВ

Қардош Украинанинг йирик индустриал марказларидан бири — Харьков Тошкентга салом келтирди. Пойтахтнинг Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғига йиғилганлар ўтган жума куни қардош шаҳардан келган қадрдон меҳмонларни дўстона кутиб олдилар.

Харьков куни байрамига бағишланган тантанали йиғилиш очилади. Қуйбишев район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Х. Хўжаев меҳмонларни табриклаб, украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик, қардошлик алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапиради. Тошкент лак-бўёқ заводи ишчи-хизматчилари коллективи номидан сўзга чиққан ўрток В. Пенькова меҳмонларни қизғин табриклайди. Шундан сўнг Краснозаводский район партия комитетининг секретари Т. Камишова, Харьков шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи В. Яценко ўртоқлар меҳмондўст ўзбек халқига украин халкининг саломини топширадилар.

Харьков шаҳар делегацияси ўзи билан бирга тошкентликларга катта совға олиб келган эди. Бу совға Харьков билан таништирувчи виставкалардир. Паркда дам олувчилар «Бизнинг Харьков», «Тарас Григорьевич Шевченко» ҳамда Украина рассомларининг яхши асарлари виставкасини мароқланиб томоша қилдилар.

Харьков шаҳар театрининг артистларидан Украина ССР халқ артисти Е. Червинюк, Украина ССРда хизмат кўрсатган артист В. Арканова, Харьков театрининг солисти З. Просникова ўртоқлар ўз санъатларини намойиш қилиб байрам шодиёналарини қизитдилар. Меҳмонлар олиб келган «Харьков бўйлаб саёҳат» маҳсус кинофильми ҳам бу индустриал шаҳар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Шу куни паркнинг ҳамма майдон ва алеялари, очиқ эстрада саҳналарида байрам сайллари, тематик викториналар, томошалар, концертлар узоқ давом этди.

ДЕКАДА ФОТОЭКРАНИ. Суратларда: (чапда) Шевченко номли опера ва балет театрининг солистлари — Алла Гавриленко, УССРда хизмат кўрсатган артист, театр балетмейстри, СССР халқ артисти Вахтанг Вронский, УССР халқ артисти Валентина Калиновская, УССР халқ артисти Федор Баклан ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Вениамин Круглов ўртоқлар концертдан сўнг ўзаро суҳбатлашишяпти. (Ўртада) УССР халқ артисткаси Зоя Христич қўшиқ куйламоқда. (Унгда) Украина Давлат филармониясининг бош дирижери, Украинада хизмат кўрсатган санъат арбоби Степан Мурган Узгосфилармониянинг симфоник оркестрига дирижёрлик қилмоқда.

А. Палехов фотолари.

ИСТЕЬДОД КЎРИГИ

Украина адабиёти ва санъати декадасининг ҳар бир куни томошабинларга чексиз завқ, санъаткор ва адибларга эса илҳом келтирди. Украина санъаткорлари орасида вокалчиларнинг катта группаси ҳам бор эди. Таниқли, хушовоз хонандалар — СССР халқ артистлари Б. Руденко, Л. Руденко, Н. Ворвулев, Д. Гнатюкин билан бирга кўпгина ёш санъаткорлар ҳам ўз маҳоратини намойиш қилишди.

Свердлов номидаги залда қўйилган концертда Шевченко номли опера ва балет театрининг ёш солистлари — халқаро конкурс лауреати Валентина Река, Вера Любимова ва Анатолий Соловьяненколар ҳам томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

Валентина Река ўзи ижро этаётган асарнинг руҳини ҳар томонлама чуқур ва ҳароратли акс эттиришга ҳаракат қилади. Унинг жуда нозик ва гўзал овози бор.

Артистканинг ижодий диапазони жуда кенг. У Чайковскийнинг «Билсам эди» романсидан тортиб Форэнинг «Капалак билан гунафша» деб аталган ажойиб миниатюрасигача барча қўшиқларни маҳорат билан ижро этди. Бизенинг «Кармен» операсидан В. Реки ижро этган хабанера санъат шинавандаларида айниқса катта таассурот қолдирди. Хонанда хабанерани жуда сокинлик ва бироз киноя билан ижро этади.

Вера Любимова ҳам ўз репертуари кенг эканлигини кўрсатди. У украин халқ қўшиқларини, Россини ва Пуччини операларидан ариялари, романсларни маҳорат билан ижро этди.

Тингловчилар ёш артист Анатолий Соловьяненконни узоқ вақт саҳнадан туширмадилар. У томошабинларни ўзининг ажойиб овози билан мафтун қилиб қўйди. А. Соловьяненко ижро этган украин ва итальян қўшиқлари, ариялари тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Шундай қилиб қардош Украина санъаткорлари ўн кун мобайнида ўзбекларнинг қалбини забт этдилар.

Е. КАГАН,
музикашунос.

Суратда сиз Украиннанинг Чернигов область чеварлари тўқиган гулли гиламни кўриб турибсиз. У ҳозир Украиннанинг Тошкентда очилган бадиий буюмлар виставкасида намойиш қилинмоқда.

АВЛОД

Андрей МАЛИШКО.

(«ТИНИҚЛИК» ТУРКУМИДАН).

Ярқираб сочилди олтин учқундай,
Момақалдироқдай урди оташ бонг.
Кумушдай облиск ўзра тўлқиндай, —
Янги авлод боқди, юзлар лоларанг.
Хўрланган оталар каби бу авлод,
Қолмади ҳақорат, ғийбат, бўҳтонга.
Торгина окопда қисилмади ҳам,
Беланмади ҳатто на чанг, на қонга.
Мағрур қадам ташлар ер узра маъсум,
Интилар, изланар, талпинар қайноқ,
«Қора қарға» билан қўрқитмас ҳеч ким,
Бирор комиссияда қилмади сўроқ.
Бамисоли навниҳол тонмоқда камол,
Сохта олқишларни ёқтирмас асло.
Қайда ғғир бўлса, интилар дарҳол,
Тавсияномасиз, муҳрсиз ҳатто.
Советлар юртининг жасур авлоди,
Литавр садосидай — сенинг овозинг.
Қўрқинчли тушларнинг вахималари
Кўрсатолмас сенинг қалбингга изини.
Оталар ҳаётда ҳаддан зиёда,
Азоб-уқубатни тотиб кўрдилар.
Улимга тик боқиб, ишонч олдида
Ўз кучин ишониб унга бердилар.
Оталар изидан боришар улар,
Баъзи бир ишларга кафрат-ла боқиб.
Улкан бойликларни териб олишар,
Ватан қалби тепиб тураркан балқиб.
Ерқин уфқларни забт этиб қувноқ,
Дунё ишларининг бўлиб гувоҳи,
Тарас ўйларини тинглайди чанқоқ,
Даладан
Бетховинни излар нигоҳи!

Барот БОЙҚОБИЛОВ таржимаси.

ХУШ КЎРДИК

Украина ва Ўзбекистон кинематографлари ўртасида узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган ижодий ва дўстона ҳамкорлик ажойиб самаралар бермоқда. Совет киносининг машҳур арбобларидан бири Александр Довженконинг ўлмас фильмлари, маҳорат мактаби ҳисобланган режиссёрлик таълимоти ва кино санъати проблемаларига бағишланган илмий асарлари Ўзбекистон киночилари учун ҳам амалий дастурдир.

Украин киносининг иккинчи йирик арбоби Игорь Савченко жуда кўп шогирдлар етиштирган. Ўзбек кино режиссёри Латиф Файзиев ҳам ундан таълим олган, унинг фильмларида ассистентлиқ қилган, ҳатто артист сифатида иштирок этиб, эсдан чиқмас образлар яратган.

Украина кинематографлари иттифоқчи республикалар орасида қудратли ва жанговар отрядни ташкил қилади. Киев, Одесса бадиий фильмлар студиялари чиқараётган кўплаб асарлар ўзбек томошабинларига манзур бўлмоқда. Хусусан, Украинада ҳужжатли-хроникал ва илмий-оммабоп фильмлар ишлаб чиқарадиган алоҳида-алоҳида студиялар мавжуд. Ҳатто бугун Иттифоқимизга хизмат қиладиган реклама фильмлари яратувчи махсус киностудия ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Бу киностудияларда оператор, редактор, режиссёр, монтажчи ва бошқа нодир касбдаги мутахассислар яратаётган тўрли жанрлардаги фильмлар халқимизнинг фидокорона қураш ва ишларини ҳикоя қилади, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга хизмат этади. Хусусан Украина илмий-оммабоп фильмлари студиясининг маҳсулотлари айниқса жаҳон кинематографлари доирасида юқори баҳоланади.

Студиямизнинг операторларидан Тўлқин Рўзиев ва Исай Гибалевич ўртоқлар яқинда Киевда бўлиб, бу коллективнинг иши билан танишдилар. Студиянинг ҳозирги замон кино техникаси билан мукаммал қуроллланганлиги уларда катта таассурот қолдирди. Операторларимиз киевликларга студиямизда тайёрланган бир қатор илмий оммабоп фильмларни кўрсатиб, самимий маслаҳат олдилар.

Студияларимиз орасида сюжетлар алмашиш, тайёрланаётган фильмларнинг айрим эпизодларини биргаликда суратга олиш соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Жумладан, студиямиз Украина санъати ва адабиёти декадаси ҳақида икки пардалик рангли ҳужжатли фильмни яратар экан, ҳамкасбимиз ҳужжатли фильмлар режиссёри В. Сичевскийнинг армуғонини хирсандчилик билан қабул қилиб олдик. Украин кинодокументалистлари декада қатнашчиларининг Шевченко ҳайкали пойига гулчамбарлар қўяётган вақтини суратга олибдилар. Бу ҳалжонли эпизод бўлажак фильмимизни мазмунан бойитса ажаб эмас.

Декада кунлари ҳамкасбларимиз студиямизга келишди, фильмларимизни кўришди, улар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиб, самимий маслаҳатлар беришди. Бу учрашувлар бизни маънавий жиҳатдан янада бойитди. Уларнинг бу келишлари ижодий йўлимизда нурли нуқта бўлиб қолди.

Сизлардан миннатдормиз, қадрдон дўстлар, яна кўришгунча хайр. Хуш кўрдик, украиналик ҳамкасблар.

М. ЯХЕЕВ,
Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли-хроникал фильмлар киностудиясининг директори.

ҚУЙЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

Ўзбекистон ёзувчилари билан Украина ёзувчилари ўртасидаги адабий алоқалар, қардош ёзувчилар асарларининг йилдан-йил кўпроқ таржима қилиниши улар ўртасидаги маданий-адабий алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Украин халқининг атоқли сўз санъаткорларидан Павло Тичина, Максим Рильский, А. Корнейчук, М. Бажан, О. Гончар, С. Стельмах, Н. Рибак, Иван Ле, Платон Воронколарнинг Ўзбекистонда бўлишлари, гуллаб-яшнаётган Совет Ўзбекистони ҳақида асарлар ёзишлари ҳар иккала республика ёзувчилари ҳамкорлигининг ёрқин далилидир.

Маълумки, Украина ёзувчилари ижодида Ўзбекистон темаси алоҳида ўрин тутади. 1920 йиллардан бошлаб бу мавзуда монументал асарлар майдонга кела бошлайди. Бу ўринда украин халқининг отахон ёзувчиси Иван Ленинг «Тоғ оралиги романи»ни кўрсатиш мумкин.

Иван Ле 1923—1933 йилларда Фарғона водийсида инженер-ирригатор бўлиб ишлаган. Иван Ле Ўзбекистонда ишлаб юрган чоғларида ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, шунингдек Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор каби бир қанча ўзбек адиблари билан яқиндан танишади ва улар билан ижодий ҳамкорликда иш олиб боради. У социалистик Ўзбекистоннинг ҳаётидан, лъпи илгор ишчилар, ирригатор, пахтакорлар турмушидан олинган роман ёзиш истагини билдиради. Иван Ленинг бундай олижаноб ниятларини ўзбек адиблари зўр мамнуният билан қўллаб-қувватлайдилар. Иван Ле ирригация бўйича қурилиш инженери вазифасида ишлай бошлайди ҳамда ёзмоқчи бўлган асари учун материаллар тўплашга киришади. Атоқли ёзувчи ўз олдига қўйган режаларини муваффақиятли бажара олди. У «Тоғ оралиги романи»ни 30 йиллардаёқ ўз ўқувчиларига тақдим этди. Иван Ленинг икки томлик бу романи Совет Ўзбекистони да олиб борилган электростанция қурилишига бағишлангандир.

Асарнинг асосий қаҳрамонлари дан ўзбек йигити коммунист Саидали Мухторов ва рус инженери Синявскийларнинг фидокорона меҳнати, қурилиш ишларида ҳамда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришдаги хизматлари пафос билан ёзилгандир. «Тоғ оралиги романи» барча қардош халқлар тилларига, шу жумладан ўзбек тилига бир неча бор таржима этилган.

Улуғ Ватан уруши йилларида республикамизда Павло Тичина, Александр Корнейчук, Микола Терешченко каби бир қанча атоқли украин ёзувчилари яшадилар. Улар ўзбек ёзувчилари билан ижодий ҳамкорлик қилдилар. Бирбировларининг ижодий маҳсулотларидан баҳраманд бўлдилар.

Уруш йилларида Украинадан кўчириб келинган аҳоли республикамизда яшади, ғалабани яқинлаштириш учун фидокорона меҳнат қилди. Ўзбек жангчилари эса бошқа қардош халқлар фарзандлари билан бир сафда туриб, Украина ерларини гитлерчи босқинчилардан озод қилишда мардонавор курашдилар. Ўзбек халқи билан украин халқи ўртасидаги ўзаро қардошлик алоқалари аввалгидан ҳам кучайиб кетди. Ҳар иккала республика ёзувчилари ҳам халқлар қардошлиги ва жасоратини ўз асарларида биргаликда зўр маҳорат билан ёритдилар. Х. Олимжон, Ғ. Ғулом, Ш. Рашидов, А. Қаҳҳор, Уйғун, К. Яшин, Ғайратий, Зулфия, Шайхзода, А. Мухтор, З. Фатхуллин, Н. Сафаров, Назармат каби ёзувчилар ўзбек ва украин халқлари ўртасидаги дўстликни куйладилар.

Микола Терешченко Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда яшади. Ўзбеклар хонадонида бўлди. У қатор публицистик, лирик шеърлари билан бир қаторда ўзбек классик шоирлари ҳақида «Сўз ва шон» номли сонетлар ёзди. Бу шеърлар ўз вақтида талантли шоир Ҳамид Ғулом томонидан таржима қилиниб, газета ва журналларда босилди. Кейинчалик Ўзбекистон давлат нашриёти уни алоҳида китоб қилиб нашр этди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда яшаб ижод этган улкан украин шоирлари Павло Тичина, Микола Бажан, Леонид Первомайский ва Андрей Малишконинг шеърлари «Ғазабли Украина» номи билан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1944 йилда Тошкентда нашр этилди.

Ўзбек халқи билан украин халқи ўртасидаги самимий меҳр ва муҳаббат аломатлари украин халқининг севимли шоири Петро Дорошко ижодида ҳам яққол кўринади.

Ажойиб санъаткор П. Дорошкоининг бир қанча шеърларида украин ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва меҳрибонлик юксак бадиий пафос билан тараннум этилади. Унинг «Тошкент устида байроқлар», «Соатни тўғрила Тошкент вақтига», «Қорасув колхозчилари ҳузурида меҳмондорчилик» каби ўнлаб шеърлари ўзбеклар билан украинлар ўртасидаги адабий-маданий ҳамда дўстона муносабатларга бағишланган асарлардир.

П. Дорошко ўзининг бир шеъ рида:

Оловранг байроқлар,
Ранго-ранг байроқлар
Тошкент тепасида
Ҳилпирар болқиб,
Ўзоғу, яқиннинг
Вакиллар оқимин
Қучоқ очиб кутар
Ҳур ўзбек халқи,

деб куйлади.

Дорошконинг тинчлик ҳақидаги кўпгина асарлари ўзбек шоири Ғафур Ғулом, Зулфия, Ҳамид Ғулом, тожик шоири Мирзо Турсунзода, Миршакар, қозоқ шоири Абдулла Тожибоев, Тоир Жороков, қорақалпоқ шоири Йўлмирза Ойимирзаев каби қардош Ўрта Осиё шоирларининг поэтик асарлари билан ҳамоҳангдир.

Шу кунларда П. Воронко, Иван Ле, П. Дорошко, В. Собко, Станислав Телчиюк, Валентина Ткаченко, Дм. Павличко, Ю. Збанацкий каби ўнлаб украин ёзувчилари Совет Ўзбекистони темасида янги асарлар яратмоқдалар.

Валентина Ткаченко Совет Ўзбекистонида яшовчи кишиларнинг фидокорона меҳнатларини, олижаноб хислатларини ўз қаламига олади. Шоирнинг «Менинг она ерим» номли поэтик асарида ана шу тема ўз аксини топганлигини кўрамиз.

Талантли санъаткор Дм. Павличко «Ўзбеклар менинг дўстларим» номли асарида ўзбеклари ўз ога-иним, дейди, уларга бўлган муҳаббатини жўшқин ифодалайди.

Украин уфқига йўл олганимда,
Мендан сўрасалар қувноб
айтаман:
Ҳамма ўзбеклар ҳам менинг
дўстларим,
Уларнинг меҳрини олиб
қайтаман.

Украина адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда ўтказилган декадаси СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин далили сифатида тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилиб қолажак.

М. ШАРИПОВ,
филология фанлари кандидати.
М. АБДУЛЛАЕВА,
аспирант.

ҚАРДОШЛИК МЕҲРИ

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Бу буюк тожик шоири Рудакийнинг сўзлари. Жуда донишмандлик билан айтилган. Ҳақиқатан ҳам дўстлар бир-бирлари билан дийдор кўришган дамлардаги қувончга, ҳис-туйғуларга ҳеч нарса тенг келолмайди.

Мана, бир неча кундан буён биз ҳаммамиз ана шундай қувончнинг, ана шундай ҳис-туйғуларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Серқуёш Ўзбекистонимизда бир неча кундирки украин билан ўзбек ўртасидаги дўстликнинг ормбахш тароналари таралиб турибди. Қимматли қардошларимиз бўлган украинлар коммунизм йўлида ўз маданиятлари нақадар юксак чўққиларга кўтарилаётганлигини зўр тантаналар билан намойиш қилдилар.

Дўстлик деганда биз фақат адабиёт ва санъатдаги алоқаларнигина тушунмаймиз. Дўстлик илм-фан, маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига ҳам илдиз отган.

Ўзбек деҳқонлари украин деҳқонларини чин кўнгилдан ҳурмат қилишади. Улар ҳаётнинг ҳамма тармоқларида халол меҳнат қилаётган кишилар каби украин элидан бирор меҳмон келиб қолгудек бўлса, уни қучоқ очиб қарши оладилар, уйларининг тўрига ўтказадилар. Яқинда шундай бир воқеа бўлди. Узининг меҳнатсеварлиги, катта ютуқлари билан бутун мамлакатимизга донг таратган украин деҳқони Надежда Григорьевна Заглада ўзбек деҳқонлари ҳузурига меҳмон бўлиб келди. Андижон областидаги Димитров номли колхоз меҳнаткашлари бу табаррук деҳқонни ўз оналаридек қарши олишди.

Димитров номли колхознинг маркази бўлган Жалақудуқ қишлоғида Надежда Григорьевнанинг эски қадрдонлари жуда кўп. Сочсоқоли оппоқ оқарган бир мўйсафид деҳқон у билан самимий сўрашади. Надежда Григорьевна беҳад қувониб кетганидан кўзига ёш олади. Шу тобда лаънати уруш йилларидаги воқеалар унинг эсига тушади...

...1941 йил. Тиш-тирноғигача қуролланган фашист газандалари муқаддас тупроғимизга бостириб киради. Украинадан Ўзбекистонга эвакуация қилинганлар орасида Надежда Григорьевнанинг оиласи ҳам бор эди. Бошқа кўпгина украинлар қатори уни ўзбеклар ўз паноҳларига олишди. Димитров номли колхознинг сувчиси Жўрабой Масаидов Надежда Григорьевна оиласини ўз уйида яшашга таклиф этди.

Надежда Григорьевна ўзбек деҳқонлари билан елкама-елка туриб, бор куч-ғайратини аямай меҳнат қилди. Кўплар қатори у ҳам фронт учун, душман устидан ғалаба қозониш учун мўл-кўл маҳсулот етиштиришга ошиқди...

...Надежда Григорьевна Жўрабой отанинг нуроний чеҳрасига боқиб туриб ана шуларни эсларкан, дилида инга тасаннолар айтди. У Жўрабой отага ўхшаган олийҳиммат кишиларнинг яхшилигини бир умрга унутмайди. Колхознинг илғариги раиси Саидну ъмон Мамадалиев билан ҳам Надежда Григорьевна эски қадрдонлардек сўрашди. Бунинг боиси йўқ эмас. Саидну ъмон ака ҳам уруш йилларида Ўзбекистонга кўчиб келган Надежда Григорьевна ва унга ўхшаганларга қўлидан келган ёрдамини аямаган.

Саидну ъмон ака ҳозир пенсионер. Ёши ҳам анчага бориб қолган. Лекин юрагида ғайрат ўти сўнмаган. У ҳозир колхозда пахтачилик звеносига бошчилик қиляпти. Звено аъзолари бу йил гектар бошига кам деганда 35 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлашган. Надежда Григорьевна буни эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. У Украинада ҳам ана шундай сергайрат қишлоқ ҳозир деҳқонларга мўл-кўлчилик яратишда қўлларидан келганча ёрдам бераётганликларини айтиб, жалақудуқликларни хурсанд қилди.

Дўстлар фақат бир-бирларини кўриш учунгина бир-бирларинникига меҳмон бўлиб келмайдилар. Улар, хусусан деҳқонлар бир-бирларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, ўз тажрибаларини ўртоқлашиш учун ҳам меҳмон бўлиб келадилар.

...Мана шу ҳозиргидай сўлим баҳор кезлари эди. Областимизнинг машъал колхози бўлган «Политотдел»га Украинадан бир деҳқон меҳмон бўлиб келди. Владимир Семёнович Саранча колхозчиларга ўзини «Крим области Черноморский районидаги «Дальний» совхозининг жўхорикор бригадири» деб таништирди ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Любовь Линнинг тажрибасини ўрганиш учун бу ерга келганлигини айтди.

Любовь Ли Владимир Семёновичга маккажўхоридан рекорд ҳосил олишдаги ўз тажрибаларини батафсил ҳикоя қилиб берди. Меҳмон бригада пайкалларида бўлиб, ўсимлик қандай парвариш қилинаётганлиги билан танишди. Айниқса экинки суғориш юзасидан ўзбек деҳқонларининг тажрибасини синчиклаб ўрганди.

Владимир Семёнович Саранча ўз диёрига қайтиб кетаётиб «Тажрибангизни Украинага ёймиз, Любва» деган эди... Мана, орадан бирмунча вақт ўтди. Эндиликда Любовь Линнинг тажрибаси Украинадаги кўпчилик хўжаликларда қўлланилянти.

Украин деҳқонлари билан ўзбек деҳқонларининг дўстлиги ана шундай чуқур илдиз отган.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА 50 ЁШГА ТЎЛДИ

БАҲОР МАЛИКАСИ

Анвойи гуллар муаттар бўй таратиб турган чаманзорга юз истиғно билан сумбул сочли, сарвқомат дилбар қириб келади. Унинг эгнида хипчабел беқасам пешмат, ҳарир оқ кўйлак, бежирим бошига нафис дурра танғиган. Қушдай енгил ҳаракат қилади, товусдай товланади. Лекин негадир ҳаяжонда... Атрофга ботинқирамай назар ташлайди, нигорон кўзлар кимнидир излайди. Куй, дилни қитиқлаб қанот ато этувчи хазин музика садоси унинг қалбини чертдими, теваракка дадил қаради, қаради-ю бир нафас лол қолди. Енгинасида афсоналардагидай хушрўй йигит турарди. Жонон қиз беихтиёр унга табассум билан боқиб, ўзи ялади. Дуррачасининг бир учини тутиб, лоладай қизарган юзини яширди, чўчиб орқага йўналди. Аммо қургур қалб қўймас, яна ўша томон интиларди. Ич-ичидан келган қудратли тўлқин уни яна бир қарашга ундарди...

«Йўқ, йўқ, бу менга мумкин эмас» бошини сарак-сарак қилади, майда қадам ташлаб гулзор узра паришон сайр этади, тўлқинланади, ёнади, тутқинлигидан ғазабланади. Жўшқин юраги эса бўйин эгмайди, мағрур тепади. «Бошингни эгма, баланд, озод кўтар, ўйна, эркин, тўйиб-тўйиб нафас ол» дея амр қилади. Ниҳоят, жонон қиз: «ахир мен ҳам инсонманку!» дейди-да, қаддини ғоз тутиб, қўлларини эркин кўтаради, куйнинг ғоҳ шўх, ғоҳ майин ритмига мос жилва билан ўйнай кетади. Шох ташлаб гулбоғни уч-тўрт гир айлангач, чаманзордан ғойиб бўлади...

Гулдурос кўтарилган қарсак «Тановор»нинг ёқимли садосини босиб кетди. Йўқ, йўқ, бу рақс биргина паҳлавон йигитни эмас, ўйинни томоша қилиб тўпланганларни ҳам мафтун этди. «Офарин, мана бу ҳақиқий миллий рақс бўлибди, бу рақс мазлума ўзбек қизининг юрак ҳарорати, жасорати, нафис санъати — ҳаммасини мужассамлаштирибди», деб баҳо берарди томошабин.

Саҳна ичкарисида энтикиб-энтикиб нафас олаётган Мукаррамахоним томошабин олқишидан мамнун тўлқинланарди.

— Опажон, — деб қолди шогирдларидан бири, — «Тановор» рақси енгил, ором билан ўйналадиган рақс-ку, сиз ҳар сафар бу ўйиндан сўнг ҳоригандек чиқасиз-а?

— О, бу ўйинда оёқ, қўл ҳаракати эмас, қалб ҳарорати, ички туйғу, истак, орзу, иффат—бари-бари бор. Шуларни истаганимча бераман дейман-у, ўзим тўлқинланиб кетаман, — жавоб қилади устоз.

«Рақснинг сюжети жуда мураккаб, уни тилсиз, лекин ҳаракатлар, мимика, ҳаяжон билан ифода этиб бериш керак» дилидан ўтказди шогирд. Узоқ эмас, бир неча дақиқалардан сўнг устозни яна саҳнага таклиф этишади. Раққоса аввалгидай қувноқ, завқ билан пайдо бўлади. Энди кўнгилга ором бағишловчи шўх, ғўзал «Роҳат» рақсини ижро этади. Бу тутқин эмас, бахти гул-гул очилган, таланти камолга етган қиз. У маҳоратини кўз-кўз қилиб ўйнайди. Гўё қуш бўлиб қанот қоқади, доира ритмига қараб «дук-дук» оёқ босганда, қалбинг жўшмай иложинг қанча!

Гал шогирдларга келди. Саҳна яшнаб кетди. Улар ипакдай эшилиб «Пилла» рақсига тушиб кетишди. Устознинг усули, жозибаси, қалб ҳарорати уларнинг ўйинида ҳам акс этарди. Устоз гулзорига маҳлиё боқаётган боғбон сингари тўйиб-тўйиб тикилади. Қанчалар ғўзал бу манзара. Бахтиёр чеҳраларга, чарақлаб очилган гул юзларга тикилраркан, кўз ўнгидан саҳнага илк қадам қўйган йиллар — бир ёқда истиҳола, қўрқув, бирёқда дилини қитиқлаб турган эзгу истак— икки оташ билан курашган давр гавдаланди. Ўшанда умиди рўёбга чиқмай қолган тенгдош дугоналарини эслар, бир лаҳза қалби «жиз» этиб ёнарди. Бу орада «Пилла» рақси тугади-ю, устознинг энг севикли қизи «Дилдор» рақсини бошлаб юборди. У очилиб-сочилиб шўх ўйнарди. Кифт қоқиб, нозик ишва билан энди саҳна ўртасига келганда узоқдан най ялласи эшитилди. Раққоса атрофга паришон боқар, бу ёқимли садо қай тарафдан келяпти деб жонсарак қулоқ берарди. Куй бора-бора яқинроқ эшитилди. О, бу мунгли куй ҳар сафар устознинг қалб торини чертиб ўтади. Эҳтимол онаизорини, унинг қўлига дутор олиб жажжи Мукаррамани ўйинга ўргатган дақиқаларини эслатар...

— Жонгинам, Ойшабодом, қизинг ажойиб раққоса бўлади-да, — дерди ўшанда онасининг дугонаси Қундузой.

— Ҳа, яхши ният билан Мукаррама ўйинчининг исмини қўйганман-да. Ўша дилбарга ўхшаб кўнглимизга ором бериб юрсин.

Она шундай орзу қилган экан. Содиқ қиз эҳтимол шу топда Фарғона элининг дилидатилида ҳамон достон бўлиб келаётган ўша бебаҳо санъаткор — марҳума Мукаррамаларнинг оғир қисматини хотирлар. «Қани энди онаму, унинг севикли дугонаси раққоса Мукаррама, Қундузойлар бўлса-ю, шу чаманзорга боқиб баҳра олса» деб афсусланар.

Энди най эмас, Қаҳрамон доира чертарди. Гулноз қиз эса юз нозу-ишва билан рақсга тушяпти. Бу ўйин Мукаррамага илк саҳнага қадам қўйган 1929 йилларни эслатиб юборди. «Яхши қилган эканман ўшанда тоғамнинг қаршилигини енгиб, шу йўлни танлабман. О, Тамара опажоним, қўлимдан шундай ушладингиз-у ўзим танлаган, жондан севган йўлимга етакладингиз, чин юракдан миннатдорман сизлар — Уста Олим ота, Муҳиддинқори Ёқубов устозларимдан. Сизлар мени эскилик чангалидан қутқариб олдингиз. Мана ўшандан буён 36 йил ўтипти. 36 йил саҳнадаман, 14 ёшли, сочи жамалак қизча эдим... Халқим, элим муҳаббатини эмиб ўсдим, улғайдим, камолотга етдим. Жонажон партиям ёрқин йўлга бошлади» ўйларди у. Мукаррамахоним залга товланиб турган меҳр билан назар ташлайди. «Бутун орттирган ҳурматим, обрўйим сизлар туфайли, мен барийки илҳомни сизлардан олганман, сизлардан ўрганганман, шунга муносиб хизмат қилянманми?» деб ўзини сўроқлаб турганида қувноқ қизлар фикрини бўлиб юборишди.

— Эшитаяпсизми сизни олқишлашяпти. Энди қайси бирини ўйнайлик?

— Албатта «Пахта» рақсини, — жавоб қилди устоз. Бу рақс Мукаррамахонимга жуда азиз, уни неча бор қайта ишлаган, бой мазмунли сюжет яратгунча қанча машаққат чеккан.

Машаққати беҳуда кетмади, рақс қаерда бўлмасин томошабинга манзур, зўр муваффақият қозонади. Устознинг ўзи бу рақсни кўриб ич-ичидан мамнун бўлади. «Баҳор» ансамблини яратганидан, ансамблнинг туғилган— 1957 йилдан буён Иттифоқдагина эмас, жаҳонга донг таратганидан беҳад қувонади. Тўғрида, унгача якка ўйин, «Фарҳод», «Ширин», «Бўрон», «Катта канал» ва бошқа бир қанча постановка, операларга рақслар яратарди-ю ўзининг нимадандир кўнгли тўлмас. Саҳнадан тушмайдиган, асрлар бўйи яшайдиган рақс асари яратиш орзуси уни ўз ҳолига қўймасди. Ана шунда «Баҳор»нинг опаси «Березка» ансамблини кўрди-ю «нима учун бизнинг қалби жўшқин, кўнгли баҳордай, лобар, талантли қизларимиздан ансамбль тузиш мумкин эмас!» деган фикр пайдо бўлди. Устоз ниятини ўн чандон зиёда қилиб ниҳоясига етказди. Мана, энди хузур қилиб саҳнага қарайди, кўнгли яйрайди. Яқиндагина шу қизлар билан шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган ажойиб сафарини кўз ўнгига келтиради. Бутун шарқ халқи мафтун бўлди ўзбек қизларининг нафис санъатига.

Ҳали яна қанча ўйлаганлари бор устознинг. Шу қизларининг ҳар бирига ўзига ҳос-ҳам шўх, ҳам лирик, ҳам чуқур мазмунли рақслар яратса... Бу орзу уста раққосанинг дилини қитиқлайди, тинчлик бермайди. Мана «Гулноз» рақси қандай чиройли яратилди. Бир кун Мукаррамахоним бастакор Муҳаммаджон Мирзаевга:

— Яна бир рақс сюжетини ўйлаб қўйдим чиройли музика яратсангиз,—деб қолди. Икки кувноқ дугона боғ сайлига чиқишни маслаҳатлашади, бири келади-ю, ҳали Гулноз келмаган бўлади, шунда дугонаси чилдирмачини чақириб, ўзи ўйнай туради, шу пайт Гулноз ҳам етиб келиб ажойиб музика садоси янграйди, икки дугона бир-бирининг санъатини кўз-кўз қилиб ўйнайкетади. Музика ниҳоятда ғўзал чиқиши керак, — деди.

Мукаррамахоним яратган жуда кўп рақслар — катта меҳнат маҳсули. Шунинг учун ҳам унга ўзбек рақслари устаси сифатида давлат мукофоти лауреати берилганда! Шунинг учун ҳам талантли санъаткор ёш бўлишига қарамай 1937 йилиёқ «Республика халқ артисти» деган юксак унвон ва Меҳнат Қизил Байроқ орденини олишга муваффақ бўлганда! «Бирданига шунча ишонч, шунча ҳурмат, ахир мен буларни меҳнатим, ижодим билан оқлашим керак» деган ниятни юрагига тугиб олганди. Ўшанда санъаткор. У қунт, матонат билан сўзининг устидан чиқди. Ишончни аъло даражада оқлаб 1951 йили иккинчи бор яна юксак мукофот эгаси бўлди. 1959 йили эса СССР халқ артисти деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Халқ ўз севимли қизини 3 бор ўтказилган сайловда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади.

Эртага санъатимиз кўрки, баҳор маликаси Мукаррамахонимнинг туғилганига 50 йил, меҳнат фаолиятига 36 йил тўлганлигини нишонлаймиз. Санъаткорнинг порлоқ ижоди «Баҳор»нинг эллик навқирон гуллари сингари яшнай берсин.

Ф. УСМОНОВА.

МАРҒИЛОНЛИКЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

КЎЧМА КОМБИНАТ

Хушхабарнинг қаноти бўлар экан. Бу янгилик ҳам район қишлоқларида тез тарқалди. Гап бундай. Илгари чекка қишлоқларда яшовчи бирон кишининг телевизори ёки радиоприёмниги бузилиб қолгудек бўлса, уни кўтариб тузаттириш учун район марказига бориб келишарди. Негаки, ремонт устахонаси фақат район марказида бор эди-да.

Энди бундай оворагарчилик йўқ. Бузилган буюмни барака топкур усталар келиб хонадонларнинг ўзидаёқ тузатиб кетишяпти.

Юқори Чирчиқ район маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси Ригадан махсус жиҳозланган автомашина олди. Ҳозир бу кўчма комбинат марказдан узоқдаги қишлоқларнинг аҳолисига намунали маиший хизмат кўрсатмоқда. Автомашинада фотография, радио-телевизор, пойафзал устахоналари, сартарошхона бўлимлари бор.

Кўчма комбинат қатъий график бўйича белгиланган пунктларга навбатма-навбат бориб туради. Бу янгилик райондан анча узоқ бўлган Паркент, Санданак, Сўқоқ қишлоқлари аҳолисига анча қулайлик туғдирди.

Машина Улуғ Ватан уруши инвалидларига биринчи галда хизмат кўрсатмоқда. Радио-телевизор техники Геннадий Ковтун, машина шофери Мусурмонқул Тўлабоевлар яхши хизматлари эвазига колхозчилар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётирлар.

Район маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси марғилонликлар мурожаатини қизғин қўллаб-қувватлади. Район қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қатор тадбирларни белгилади.

Районда кўчма киноустановкалар, саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи автолавкалар ҳам ташкил этилган. Бу киноустановка ва автолавкалар райондаги «Коммуна», «Гулистон», «Ўзбекистон», «Политотдел», Свердлов номли, «Ленинский путь» колхозларида, 12-бағдорчилик совхозида тез-тез бўлиб, аҳолига намунали маданий-маиший савдо хизмати кўрсатиб турибди.

СУРАТДА: маиший хизмат кўрсатувчи автомашина радиотехники Г. КОВТУН ва шофёр М. ТЎЛАБОЕВ ўртоқлар «Правда» колхози аъзоси Р. МИРЗАТИЛЛАЕВНИНГ телевизорни ремонт қилмоқдалар.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Р А Қ Қ О С А

(Мукаррама ТУРҒУНБОЕВАГА).

«Баҳор»ни баҳор қилган Мукаррама тўйида
Лоладай ёшлигини тасаввур қилиб кўринг.
Эли кафтида тутган баркамоллик бўйида,
Асл она қизини мунаввар қилиб кўринг.
Европа, Африкада саҳнада парвоз қилиб,
Ўзбекнинг жамолини кўрсатган қизга балли.
Советлар диёрида униб-ўсиб, етилиб,
Санъатда порлаб турган ушбу юлдузга балли.
Ҳар боқиши дилларга ором беради, ором,
Халқининг меҳри билан, саҳнамизда яйрасин.
Мукаррам рақслари шонр дилига илҳом
Завқли чаманимизда товус каби товлансин.
Қўшиқ куйланган элда қайғу бўлмас дейдилар,
Қўшиққа тўлиб кетсин жумлан жаҳон бутун.
Тўйга куйчи келмаса кўнгил тўлмас дейдилар,
«Баҳор» нашидасида яйраб турамиз букун.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

БИР ҚИЁ БОҚМАС

Қуйбишев район Левитан кўчасида тўрт қаватли ҳашаматли бино савлат тўкиб турибди. «Главташкентстрой»га қарашли ана шу 19-ётоқхонада 4-қурилиш трести ишчи ва хизматчилари истиқомат қиладилар.

Комендант А. С. Лукина билан ётоқхонани кўздан кечирдик. Хона ва коридорлар қоронғи. Уриниб-туртиниб одимладик...

— Анна Семёновна, — олдимизни тўсиб мурожаат қилди бир йигит, — ётоқхонамизда иссиқ овқат бўлмаслигига кўникиб қолдик. Лекин радио, газетасиз ҳеч бўлмаяпти-ку.

Комендант ноқулай аҳволга тушиб қолди. Дард устига чипқон чиққандек бўлди. Йигит жавоб кутиб унга қараб турарди. Лукина сир бой бермай:

— Қоронғи тушиб қолди. Соат ҳам тўққиздан ошди. Яхшиси, ётинглар, эрта билан ишга борасизлар, — деб кўя қолди.

Редакция шу ётоқхонада яшовчи бир группа ишчи ва хизматчилардан шикоят олган эди. «Ётоқхонада яшовчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратилмаган. Трестимиз раҳбарлари бизнинг ҳаётимиз билан мутлоқ қизиқишмайди, келиб ҳолимиздан хабар олишмайди», — деб ёзишган эди улар.

Ётоқхонадаги аҳвол билан яқиндан танишиб чиққач, хатдаги сўзларнинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Ана шу ётоқхонада тўрт юздан ортиқ бинокор яшайди. Лекин на буфет, на ошхона бор бу ерда. Бунинг устига чой қўйиш, овқат тайёрлаш мақсадида қурилган ҳар бир қаватдаги газхоналардан фойдаланиб бўлмайди.

3-қаватдаги газхонани кўздан кечирдик. Газ плиталари бузуқ, қисмлари синиқ. Хонани ис босган.

— Тўппа-тўзуқ газхоналарнинг бор экан, — дедик комендантга,— шуларни ремонт қилиб, фойдаланиб турсангиз бўлмайдими?

— Тўғри, — деди комендант.— Дарҳақиқат шундай қилсак ҳам бўлар экан.

Бордию зарур иш билан телефон қилиш керак бўлиб қолса, ётоқхонада яшовчиларнинг боши қотади. Телефон излаб атрофга югуришади. Ётоқхонага телефон линияси ўтказилган. Фақат тўчкалар ўрнатилмаган. Бир неча ойдирки, радио линияси бузилиб ётибди. Хоналарнинг кўпида репродуктор йўқ. Борлари бузуқ.

— Телевизор борми?

— Бор, — жавоб берди иккиланиброқ Анна Семёновна. — Лекин ишлатмаймиз. Биласизми, ётоқхонада кўз остимга олиб кўйган уч-тўрт бемаъни одам бор. Ана шу безориларни ётоқхонадан чиқариб юборишни ўйлаб турибман, сўнгра бамайлихотир телевизор томоша қилаверамиз. Бизнинг, безорилар бир кунда синдиришади-кўяди. Кейин қарабсизки, жавобгарлик менинг бўйнимга тушади-қолади.

Қизиқ. Наҳотки ётоқхонадаги тўрт юз киши уч-тўрт безорини тартибга чақириб кўя олмаса?!

Ётоқхонага киришингиз билан «Халқ дружиначилар штаби» деб ёзилган вивескага кўзингиз тушади. Маълум бўлишича, бу хўжакўрсинга осилган вивеска экан. Штаб мутлоқ иш олиб бормайди.

Ётоқхонадагилар ички тартибга риоя қилишмаётганлиги кўриниб турибди. Уй деворларига миҳ қоқавериб илма-тешик қилиб юборишибди. Радио розеткалари, люстралар синиқ, кровать остилари чемодан, кийим-кечаклар билан тўла.

Бу ерда яшовчилар орасида кечки ва сиртқи ўқув юртларида ўқийдиганлар кўп. Улар кечқурун дарс тайёрлашлари керак. Лекин ётоқхонада уларнинг дарс тайёрлашлари учун зарур шарт-шароит йўқ. Ётоқхонада 134 та хона бор. Айрим хоналарда стол йўқ, стул етишмайди.

Хуллас, ётоқхонада яшовчилар учун нормал шароит яратилмаган. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўғрисида трест раҳбарлари қайғиришмаётир. Улар бу ётоқхонага бир қиё боқадиган кун бормикин?

И. ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ХИРИЛДОҚ КАРНАЙЛАР

«Интернационал» колхозининг 9-бригадаси дала шийпонига етиб келганимизда соат роппа-расо икки бўлган эди. Колхоз раиси қўл соатига қаради-да, бригадирга:

— Мардон, радиони тепиб қўйчи, қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт бошланди, — деди.

Бу сўзнинг маъносига тушунолмай саволомуз раисга қараган эдик, у: ҳозир кўрасиз, дегандай радиокарнайи ўрнатилган эски столба томон кетаётган бригадирга ишора қилди. Мардон ака радио ўрнатилган столбани оёғи билан бир-икки бор қаттиқ тепган эди, бояги карнайдан жуда секин, ҳеч нарсани англаб бўлмайдиган хирилдоқ овоз чиқди.

— Ҳамма вақт шунақами? — сўрадик бригада аъзоларидан.

— Э, нимасини айтасиз, биродар, эрта баҳордан бери колхозимиздаги радио тўчкалари хирилдоқ касалига мубтало бўлиб қолган, — дейишди колхозчилар. — Парткомимиз шаҳар ва район алоқа узели бошлиғи ўртоқ Белов ҳузурига неча марта борди. Бироқ, натижа бўлмаяпти. Концерт эшитиш учун қачонгача столба тепар эканмиз?

Ш. ҚОСИМОВ,
Янгийўл райони.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 30 МАЙ 1965 ЙИЛ.

ШАХМАТ

АҲИЛЛИК ҒАЛАБА КЕЛТИРДИ

ВЦСПС VIII ёзги спартакиадаси очилишига оз қолди. Физкультура коллективлари ҳамда кўпчилик спорт жамиятлари спартакиадаларида мингминглаб спортчилар иштирок этишди. Уларнинг энг кучлилари навбатдаги босқич мусобақалар — касаба союзлари область совети спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олди.

Яқинда якунланган пойтахт касаба союзлари спартакиадаси программасидаги шахмат мусобақалари жуда кескин ўтди. Тўрт команда составидаги 16 шахматчининг учтаси спорт мастери, тўққизтаси спорт мастерлигига кандидат ва аёллар тахтасида ўйнаган 4 шахматчи республика чемпионларидан иборат эканлиги фикримизнинг далилидир. СССР спорт мастерлари И. Бирбрагер, А. Грушевский, Г. Шахзода ва республика чемпиони Р. Ниёзбековдан иборат «Меҳнат» командаси мусобақада ғолиб бўлар, деган дастлабки хулоса тўғри чиқмади: команда аъзоларидан айримлари, айниқса, кекса спорт мастери Г. Шахзоданинг уччада учрашувда ҳам мағлубиятга учраганлиги уларни учинчи ўринга тушириб юборди. Кучли мастерликка кандидатлар ташкил топган «Спартак» шахматчилари «Локомотив» командасини 4:0 ҳисобида қақшатгич зарбага учратиб, мукофотни иккинчи ўринга ўтиб олдилар. Бунда команда тренери — мастерликка кандидат З. Хўжаевнинг ҳам ҳиссаси катта. Охирги ўрин темирйўлчиларда қолган бўлса-да, уларнинг лидери — мастерликка кандидат Улуғбек Эльбеков биринчи тахтада биринчи ўринни эгаллаб «дог»ни ювди.

Иккинчи тахтада С. Пинчук, учинчи тахтада А. Хасидовский ва тўртинчи тахтада Лариса Пинчук энг яхши натижа кўрсатишди. Голиб командалар ва ўз тахтасида биринчи ўринни эгаллаган шахматчилар касаба союзлари область советининг ёрлиқлари ҳамда совғалари билан мукофотландилар.

М. МУҲИТДИНОВ,
СССР спорт мастери.

Хатлардан сатрлар

● Ойимхон Умарова 106 ёшга кирган бўлсада, ҳали бардам. У уйрўзгор ишларига қарашиб туради. Табаррун онахонинг 30 дан ортиқ невара, чеваралари бор. О. Умарова Киров район Носиров кўчасидаги 1-уйда истиқомат қилади.

С. СУЛТОНОВ.

● Пойтахтдаги «Эгарчи» маҳалласида чойхона учун бино қурилди. Маҳалла меҳнаткашлари уни ўз кучлари билан жамоатчилик асосида барпо этишди.

Ш. ТУХТАХУЖАЕВА.

● Янгийўлдаги Ленин номли колхоз ўз гишт заводига эга. Яқинда заводда яна бир цех ишга туширилди. Бу цехда йил охиригача 2,5 миллион гишт ишлаб чиқариш планлаштирилган.

У. ШАРОПОВ.

● Бўстонлиқ посёлкасидаги автостанция ёнида ошхона очилди. Ошхона хизматидан йўловчилар ва посёлка ишчи-хизматчилари мамнун.

Х. НУРМАТОВ.

Тошкент янгиликлари

МАИШИЙ ХИЗМАТ ПОЕЗДИ

Тошкент темир йўли бўлинмасининг таъминот бўлими ходимлари йил бошида яхши ташаббус бошлаган эдилар. Улар чекка районларда яшовчи аҳолни учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш мақсадида махсус поезд ташкил этиб, сафарга жўнатган эдилар. Яқинда бу маиший хизмат кўрсатиш поезди станцияга қайтиб келди. Поезд ходимлари Пахтакор, Пахтаорол, Дўстлик станцияларида бўлиб, аҳолининг пойафзал, кийим-кечак, мебель, радио ва телевизорлари, тикув машиналарини ремонт қилиб берилади.

Маиший хизмат кўрсатиш поездига меҳнаткашларга сотиш учун кир ювиш машиналари, холодильниклар, мотоцикллар, газлама, чой ва бошқа саноат моллари ҳам ортилган эди. Чекка станциялардаги аҳоли беминнат хизматдан беҳад миннатдор бўлди.

Тошкент темир йўли бўлинмаси таъминот бўлими ходимлари куни кеча яна 8 та вагонни йўлга жўнатдилар. Бу вагонларга ҳар хил кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган. Поезд Пахтаорол, Жиззах, Ховос, Бекобод станцияларида тўхтаб аҳолига савдо хизмати кўрсатади. Буюмлар фақат нақд пулга эмас, кредитга ҳам берилади. Шунингдек, харидорлардан буюртмалар ҳам қабул қилинади.

ДЎСТЛАР ДАСТУРХОНИГА

Севимли республикамизнинг саҳий ёзи бошланди. Гилос, қулупнай, карам ва хилма-хил кўкатлар етилди. Калинин, Оржоникидзе районларининг деҳқонлари дастлабки резаворлардан Москва, Ленинград, Новосибирск ва Куйбишев шаҳри меҳнаткашларини баҳраманд қилиш учун уларга редиска, кўкпиёз ҳамда ҳўл мевалар жўнатишди.

«Ташплодоовощторг» коллективи куни кеча Ватанимиз пойтахти Москвага 40 тонна, Ленинград шаҳри меҳнаткашлари учун 20 тонна қулупнай ва карам юборди. Тошкентликлар тортиғи дўстларимиз дастурхонини безайди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана областного и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Пропаганда адабиёт ва санъат бўлимлари—31936. Партия турмуши бўлими—26232. Саноат транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятлар ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01997. Индекс — 64969. Нашр. № 1771.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — **Ўзбекистон хореография билим юрти ўқувчилари концерти** (Навоий номли театрдан), танаффус вақтида — **Пионерия киножурнали, концертдан сўнг — Инглиз тили машғулоти** ва ўзбек тилида **Физикадан суҳбат** (сиртқи студентлар учун).

Рус тилида: 18.00 — **Звездочка тележурнали.** 18.50 — **Телевизион янгиликлар.**

19.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Эстрада концерти.** 19.50 — **Оталар сўзи—ақлнинг нўзи** (ота-оналар учун). 20.35 — **Бадиий фильм.**

Рус тилида: 21.50 — Р. Планнет. **Рип-Рип** оперетаси (Тошкент телестудияси постановкаси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V кеч соат 7 яримда Украина ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Кикоть, Б. Горбунов** иштирокида **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Юлдузлар жамоли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (кишки бино) — 30/V да **Гули сиёҳ.** 31/V да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 30/V кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концерти.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 30/V кеч соат 8 да **Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг концерти.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Қундуз Мирнаримова, Муҳаммаджон Мирзаев** ва солистлар қатнашади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шиколт дафтарини беринг — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Сўл, ўнг ва марказ — НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қўшиқ давом этади — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Айбдор — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да).

Қўйди-чиқди бўлмайди — САНЪАТ САРОЙИ, «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Шаҳар устидаги қўллар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бўрон — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8 да).

Севги деб — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва 5-50 минутда).

Африка эртаги — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

2-ШАҲАР ПРОФЕССИОНАЛ-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1965/66 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти: металл тонарлари, металл фрезерчилари, саноат маҳсулотини йиғувчи слесарлар, ремонтчи слесарлар, тунукасоз слесарлар тайёрлайди.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — бир йилдан икки йилгача.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Билим юртига кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: таржиман ҳол, етуклик аттестати (асл нусхаси ёки табель), турар жойдан справка, 3×4 сантиметр катталигида 6 та фотокарточка, мактабдан характеристика. Паспорт шахсан келтирилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Полиграф кўчаси, Авиацион проезд, 10-уй (10-трамвай, 8, 10, 14, 15, 51-автобусининг «Максим Горький» остановкаси).

Магнитогорск кўчаси, 9-уйда турувчи **Матлуба Ғуломовна Ҳамидуллаеванинг** Жарқўча, 62-уйда турувчи Тельман Ҳамидуллаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 46-уйда турувчи **Абдураҳмон Абдураззоқовнинг** Қашқадарё область, Чироқчи район, Охунбобоев кўчаси, 76-уйда турувчи Ойсоат Худойбердиевна Абдураҳмоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Чигатой кўчаси, 2-Чимбой проезд, 127-уйда турувчи **Усмон Содиқовнинг** шу проезддаги 204-уйда турувчи Гулжаҳон Содиқова (Саломовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.